

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЛИДЕР АЁЛ (АМАЛИЙ ТАҲЛИЛАР АСОСИДА)



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-603-609>

Нишонова Нодирахон Райимжоновна

Тошкент Давлат техника университети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси
муdiri, фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.,
тел: 99-900-67-14. E-mail: n.nodiraxon@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада турли ёндашувлар, замонавий лидер аёлларнинг ижтимоий тараққиётдаги фаолиятининг социологик таҳлили, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сиёсий лидерлик хислатларини ошириш масалалари ҳақида фикр билдирилади.

Калит сўзлар: замонавий лидер аёл, дунё, ҳаёт, бошқарув, ташиқлотчилик, ишчанлик, ижтимоий-сиёсий фаоллик.

СОВРЕМЕННАЯ ЖЕНЩИНА ЛИДЕР ВО ВРЕМЯ НОВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА (НА ОСНОВЕ ПРАКТИЧЕСКИХ АНАЛИЗОВ)

Нишонова Нодирахон Райимжоновна

Заведующий кафедрой «Философия и национальная идея» Ташкентского государственного технического университета, доктор философских наук, профессор, академик Туранской АН.

тел: 99-900-67-14; 90-167-67-14. E-mail: n.nodiraxon@bk.ru

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются различные подходы, проведен социологический анализ деятельности современных женщин-лидеров в общественном развитии, их общественно-политическая активность, а также вопросы развития политического лидерства.

Ключевые слова: современная женщина-лидер, мир, жизнь, управление, организация, бизнес, общественно-политическая активность.

A MODERN LEADER IN THE CONTEXT DEVELOPMENTS (BASED ON PRACTICAL ANALYSES)

Nishonova Nodirakhon Rayimjonovna

Head of the Department "Philosophy and National Idea" of the Tashkent State
Technical University, Doctor of Philosophy, Professor,
Academician of the Turan Academy of Sciences.
tel: 99-900-67-14; 90-167-67-14. E-mail: n.nodiraxon@bk.ru

ABSTRACT

The article discusses various approaches, a sociological analysis of the activities of modern women leaders in social development, their social and political activity, as well as issues of the development of political leadership.

Keywords: *modern woman leader, world, life, management, organization, business, social and political activity.*

КИРИШ

Жамиятда гоҳо эркак лидерда муҳитдаги стереотипларни ўзгартиришга (“қайта қурувчи лидер” ёки “яратувчи лидер”) интилиш кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги туб ислохотларни амалга оширган, халқ, миллат тарихий-маданий парадигмасини, дунё, ҳаёт, жамият ҳақидаги тасаввурларни, стереотипларни ўзгартирган лидерлар, асосан, эркаклар бўлиб келади. Аёл лидерларда ижтимоий муҳитга қулоқ тутиш, анъаналарга риоя этиш, кишилар ҳаётини кескин ўзгартирмасдан бошқариш хислатлари кўзга ташланади. Бу шарқона ахлоқ-одоб, бошқариш таъсиридир.

Ғарб фалсафаси ва социологиясида М.Вебернинг “анъанавийлик тарафдори лидери”, “харизматик лидер”, “рационал-легал фаолият олиб боровчи лидер” классификацияси кенг тарқалган [1;515-516-б.] бўлса-да, у ҳар бир жамиятда, ҳатто у ёки бу муаммони ҳал этишда, ижтимоий муҳит шакллантирган стереотиплар таъсирида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Унда консерватив қарашли лидердан тортиб революцион ўзгаришлар тарафдори бўлган лидерларгача учрайди [1;517-521-б.]. Шунинг учун сиёсий лидернинг портретини у яшаётган, ишлаётган, ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бораётган муҳитнинг фикридан келиб чиқиб яратиш лозим.

Эксперт-респондентларимиз “Замонавий лидер (етакчи) аёлларда қандай хислатларни кўришни истайсиз?” деган саволимизга қуйидаги жавобларни беришган (Респондентлар бир неча жавоб тагига чизишган, шунинг учун улар 100% дан ошиқ): ўзига ишонч (88 %); кишиларни уюштира билиш (82 %);

адолатли қарорлар қабул қилиш (80 %); ишчанлик (71 %); фидойилик (61 %); халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш (59 %); муомалали бўлиш (52 %); қонунларга, тартибга бўйсунуш (51 %); жамоага таяниш (50 %); ноодатий қарор қабул қилиш, услуб қўллаш (31 %); тинмай янгиликка интилиш (20 %); ходимларни рағбатлантириб бориш (18 %).

Агар юқорида қўллаган ёндашувимиздан, яъни жавобларнинг 50% дан юқорисини лидерлик сифатларига киритишдан келиб чиқсак, эксперт-респондентлар, сиёсий лидер аёлда энг аввало: ўзига ишонч; кишиларни уюштира билиш; адолатли қарорлар қабул қилиш; ишчанлик; фидойилик; халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш; муомалали бўлиш; қонунларга, тартибга бўйсунуш; жамоага таяниш хислатлари бўлиши керак, деб ҳисоблашини кўрамыз.

Мазкур хислатлар илмий адабиётларда у ёки бу тарзда эътироф этилади. Масалан, Дж.Адаир лидернинг шубҳасиз хислатларига ташаббус (бизда ишчанлик), софдиллик (бизда адолат тамойилларига амал қилиш), қўзланган мақсадга етишга бор кучини, қувватини сарфлаш (бизда фидойилик, халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш), қатъиятлилиқ (ўзига ишонч, қонунларга ва тартибларга бўйсунуш) хислатларини киритади [2;25-б.]. Эксперт-респондентларнинг қолган жавоблари, кўрсатган хислатлари ижтимоий муҳит кўрсатган таъсир ва ўз тажрибаларининг маҳсулидир.

Оддий респондентларнинг жавоблари эса қуйидагича тақсимланди: адолатли қарорлар қабул қилиш (92 %); жамоага таяниш (89 %); муомалали бўлиш (86 %); ўзига ишонч (81 %); кишиларни уюштира билиш (73 %); ишчанлик (71 %); халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилиш (62 %); фидойилик (60 %); ходимларни рағбатлантириб бориш (54 %); қонунларга, тартибларга бўйсунуш (50 %); тинмай янгиликка интилиш (41 %); ноодатий қарорлар қабул қилиш, услуб қўллаш (21 %).

Кўриниб турибдики, эксперт-респондентлар билан оддий респондентлар жавоблари (50 % дан юқори жавоблари) умуман, яқин бўлса-да, улар олган фоизлари ва эгаллаган ўрнига нисбатан ҳар хилдир. Кейинги гуруҳ респондентлари аёл-лидерда кўпроқ адолатли қарорлар қабул қилиш, жамоага таяниб иш олиб бориш, муомалали бўлиш каби хислатларни кўришни истайдилар, эксперт-респондентлар эса диққатини асосан бошқарувга, ташкилотчилиқка, ишчанликка қаратадилар. Улар лидерлик фаолиятини бирлаштиришга, уюштиришга ва бошқаришга қаратилган фаолият тури эканини тўғри англайдилар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва сиёсий лидерлик хислатларини ошириш масалалари бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш мақсадида ҳам респондентларга махсус саволлар билан мурожаат этдик. Ушбу саволлар ўтказган тадқиқотимиз натижаларини янада аниқлаштириши лозим эди.

“Хотин-қизларда лидерлик хислатларини ошириш учун нималар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?” деган саволимизга эксперт-респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди: оилада сиёсий тарбияни йўлга қўйиш (79%); хотин-қизларга бўлган стереотипларни ўзгартириш (76 %); аёл-лидер тайёрлайдиган курслар, мактаблар, ўқув юртлири очиш (71 %); ижтимоий-сиёсий ҳаётга хотин-қизларни кенгроқ жалб этиш (63 %); сиёсий партияларда хотин-қизлар иштирокини, ролини ошириш (61%); хотин-қизлар қўмиталарига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш (59 %); хотин-қизлар нодавлат ташкилотларини ривожлантиришга оид қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш (57 %); олий ўқув юртлирида талабалар сонининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этишига эришиш (52 %); давлат бошқарув органларига раҳбарлик қилаётган аёлларни 30 фоизга етишини таъминлаш (51%); Олий бошқарув органидаги депутатлар сонини 30 фоизга етказиш (50 %); Президент сайловида хотин-қизлардан номзодлар кўрсатишни анъанага айлантириш (41 %); Халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан алоқаларни ва тажриба алмашишни кенгайтириш (13 %).

Эксперт-респондентлар оилада сиёсий тарбияга алоҳида эътибор бериш даркор, деб билдилар. Улар шахсдаги асосий хислатлар оилада, ёшлигида шаклланишидан яхши хабардорлар. Минг афсуски, бу борадаги бирор эътиборли тажриба ўрганилмаган, илмий адабиётларда эса ҳеч қандай фикр учрамайди. Ижтимоий-сиёсий маданиятни шакллантириш ҳақида кўплаб китоблар, рисоалар чоп этилган, аммо уларда оиланинг ўрни масаласи четлаб ўтилади. Оилаларда сен юқори лавозимни эгаллайсан, “сен президент бўласан”, “сен вазир бўласан” деган гап-сўзлар асосан ўғил болага нисбатан айтилади. Қизларга эса уй-рўзғор ишлари топширилади, бировни уйига борасан, эринг, қайнотанг ва қайнонангни айтганларини қил, деб панд-насихат қилинади. Бундай ёндашув, тарбия ёшларда стереотипларни шакллантирадики, улар то умрининг охиригача улардан халос бўлолмай, ўзгараётган давр, замон талабларига мувофиқ келадиган хислатларни ўзида шакллантиролмай юрадилар.

Эксперт-респондентлар мамлакатимизда хотин-қизларни кўрилатган чора-тадбирлардан яхши хабардор эканликларини кўрсатадилар. Шу билан улар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш (63 %)ни кенгайтириш, айниқса сиёсий партиялар имкониятидан самарали фойдаланиш (61 %) зарур, деб биладилар. Улар хотин-қизлар кўмиталарига халқ депутатларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш даркор (59 %), деган ғояни қўллаб-қувватлайдилар.

Хотин-қизларнинг ННТ ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаётганини (эксперт-респондентлар ичида уларни бошқарётган ёки масъул вазифаларини бажарётган аёллар 17 % ни ташкил этади) эксперт-респондентлар яхши биладилар. Шу билан бирга улар мазкур ташкилотлар сони ҳали кўп эмаслигини, бу борада махсус қонунлар, дастурлар қабул қилиш лозимлигини кўрсатадилар. Ҳақиқатан ҳам ННТ хотин-қизларда лидерлик хислатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган институтлардир. Айниқса, улар фаолиятининг мустақиллиги, очиклиги, кенг аёллар қатламига, жамоатчиликка таяниши хотин-қизларга манзурдир. Маҳаллий давлат бошқарув органлари қўллаб-қувватлаётган ҳудудларда уларнинг обрўси юқори, фаоллиги ранг-барангдир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, давлат бошқарув органида самарали фаолият кўрсатиши, лидерлик хислатларини шакллантириши улардаги билимга, маълумотга бевосита боғлиқдир. Ижтимоий-сиёсий фаол аёлларнинг 90 фоиздан зиёди олий маълумотлидир. Ушбу омил уларнинг жавобларида акс этиши табиий ҳол эди, албатта. Шунинг учун ҳам улар аёл-лидерга олий маълумот зарур, деб биладилар, олий ўқув юрларида хотин-қизлар сони 50 фоиздан кам бўлмаслиги тарафдорлари (52 %)дир.

Давлат бошқарув органлари раҳбариятида ва Олий Мажлисида хотин-қизлар сонини 30 фоизга етказиш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга воқелиқдир. Халқаро ташкилотлар миллий парламентларга кўрсатиладиган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлишини тавсия этадилар. Кейинги йилларда Республикаимизда ўтказилган сайловларда бу кўрсаткичга эришилди, ҳатто фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови (2013 йил декабрь) да хотин-қизлар номзоди 39 фоизга етди. Аммо раҳбарият органида, вакиллик органлари фаолиятида хотин-қизлар иштирокини янада ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Сиёсий лидерлик ижтимоий-сиёсий тажрибани талаб этадиган фаолият туридир, уни фақат китобларни ўқиб, маърузалар тинглаб шакллантириш қийин. Тажриба кўрсатадики, лидерлик кишиларни билмайдиган ёки қилишни истайдиган ишни қилишга кўндириш, ундаш, эришиш санъатидир. Профессионал раҳбарда кишиларни мажбурлаш имкони мавжуд, ижтимоий-сиёсий фаоллик кўрсатаётган аёл лидерда бундай имконият йўқ, у кишиларни ундаши, кўндириши орқали кўзланган мақсадига эришади. У том маънодаги демократик бошқариш вакилдир, ўз фаолияти билан давлат вакиллик органига демократик қадриятларни олиб киради, уларнинг қарор топишга хизмат қилади.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР

Ўтказган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб амалиётга қуйидаги таклиф ва тавсиялар этилади:

1. Хотин-қизларни давлат вакиллик органи фаолиятига жалб этиш бўйича чет элларда, айниқса ривожланган давлатларда эътиборли тажрибалар тўпланган, уларни ўрганиш зарур. Бу бизга миллий тажрибаларимизни чет эллардаги тажрибалар билан қиёслашга, ютуқ ва камчиликларимизни аниқлаб олишга ёрдам беради.

2. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка кўрсатиладиган хотин-қизларнинг номзодлари 50 фоиздан кам бўлмаслигига эришиш учун изланишлар керак.

3. Президент сайловида хотин-қизлардан номзодлар кўрсатишни анъанага айлантириш, Халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан алоқаларни ва тажриба алмашишни янада кенгайтириш зарурдир.

4. Маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига хотин-қизлар ННТларининг сонини ошириш, хотин-қизлар уюшмаларини тузишга кўмаклашиш, турар жойларда хотин-қизлар клубларини ташкил этиш вазифасини юклаш лозим.

5. Хотин-қизлар кўмиталари, Тадбиркор Аёл Ассоциацияси, Касаба уюшмалари Федерациясига хотин-қизлардан маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш айтилган мундир.

6. Оилавий бизнес, хотин-қизларнинг тадбиркорлиги маҳаллий ҳокимиятлар ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрганилиб, мониторинг ўтказилиб, “Оила ва жамият” каби газеталарда ҳар йили эълон қилиб борилиши даркор.

7. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, демократик қадриятларни қарор топтиришда юксак маҳорат, жасорат ва матонат кўрсатган аёлларнинг протретларидан галереялар ташкил

этиш мумкин. Уларнинг номини кўчалар, мактаблар, кутубхоналар ва майдонларга қўйиш бурчимиздир.

8. “Аёллар – замонимиз қахрамонлари” туркумида рисолалар, китоблар нашр этиш даркор. Нафақат бугунги, шунингдек, келгуси авлод ҳам Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшган буюк хотин-қизлар фаолиятини билиши лозим.

9. Хотин-қизларни гўзаллик, латофат ва ишқ-севги тимсоли сифатида улугловчи асарлар, кўшиқлар етарлича топилади, энди ижтимоий-сиёсий фаол аёлларимиз ҳам бадиий ижод объекти бўлиши зарур.

10. Давлат вакиллик органларида, айниқса маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбар аёлларни ҳозир камида 10 фоизга, келгусида эса 20-30 фоизга етказиш режасини ишлаб чиқиш, “Аёл – сиёсий лидер” мавзусида телекўрсатувлар уюштириш ва уларга хотин-қизларни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Блондель Ж. Политическое лидерство // Психология и психоанализ власти. Т.1. Самара, Изд. Дом “Бахрах”, 1999. –595 с.
2. Адаир Дж. Психология власти // Концепция непрерываемого лидерства. – Москва: ЭКСМО, 2004. –С.29.
3. Muxtarov, A. (2020). Психологиянинг XXI асрдаги ривож. Архив научных исследований.
4. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
5. Muxtarov, A. (2020). Демократия ва фуқаролик жамияти . Архив научных исследований.
6. Muxtarov, A. Олий таълимда замонавий инновациялар. Архив научных исследований.
7. Muxtarov, A. (2020). Фалсафанинг долзарб муаммолари. Архив научных исследований.
8. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahridin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
9. Muxtarov, A. (2020). Фуқаролик жамияти ва толерантлик. Архив научных исследований.
10. Muxtarov, A. Олий таълимда замонавий инновациялар. Архив научных исследований.